

Фикҳ дарслари (126-дарс). Истеҳоза ва узрлиларнинг ҳукмлари



13:56 / 04.03.2021 4047

(иккинчи мақола)

Бу ҳукмларни фақиҳларимиз қуйидаги далиллардан олганлар:

هُوَ لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى صَبِيٍّ لَمْ يَغْمَ فَكَتَعَا؛ تَلَّاقَ أَوْ نَعَى لَلِأَيِّ صَرَّهَ شَائِعٌ نَعَى
أَنْعَضَ وَأَمَّ بَرُّو، أَوْ زَمُّ خُلَّ أَوْ عَرَفُ صُلَّ أَيْ رَتَّ تَنَّاكَفَ، وَجَ أَوْزَأُ نَمُّ أَوْ زَمَّ مَلَّ سَو
يُئِئَسِّنُّ لَلِأَوْ يَرَاخُ بَلَّ أَوْ دُوَادُ وَبَأُ هَاوَرُ . يَلَّ صُنَّتَ يَهَوُ أَوْ تَحَّتْ تَسَّ طَلَّ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«У киши:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан у зотнинг завжаларидан бир аёл эътикоф ўтирди. У (аёл) сарғиш ва қизғиш (қон) кўрар эди. Гоҳида, у намоз ўқиётганида остига тоғора қўйиб қўяр эдик», дедилар».

Абу Довуд, Бухорий ва Насоий ривоят қилишган.

أَوْ وَزَنَّاكَفَ، أَصْحَابُ تَسُنَّتَ عَبَّيْحٌ مُّأْتَنَّاكَ؛ لَاقَ أَوْ نَعَى لَلِأَيِّ صَرَّهَ شَائِعٌ نَعَى
أَوْ أَشْعَى

Икрима розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Умму Ҳабиба истехозали бўлар, эри эса унга яқинлик қиларди».

وَبَأْتِ هَآؤِرَ . اَهُعْمَآجِي اَهُؤُورَ نَاكُ وَاَهُضَاخَ تَسْمُ تَنَاكُ شَحَّجَ تَنَبَّ ءَنَمَّ حَنَّ نَأُ : هُنَّ عَوَّو
دُوَادُ .

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Ҳамна бинти Жаҳш мустаҳоза эди. Унинг эри унга яқинлик қиларди».

Иккала ривоятни Абу Довуд келтирган.

Кимга фарзнинг вақти ўтмасидан истехоза, бурун қонаши ёки шуларга ўхшаш бетаҳоратлик етиб туриши одат бўлиб қолган бўлса, бунинг сабабидан ҳар фарзнинг вақтига таҳорат қилади ва у билан ўша вақтда хоҳлаганича фарз ёки нафлни ўқийверади.

Соҳиби узрнинг таърифи:

«Доимий ел келадиган, бурни қонайдиган, жароҳат ва турли хил тошмаларидан доимий сув чиқиб турадиган, простатит касаллигига дучор бўлиб, бавл томчилаб турадиган ёки аёллардаги шамоллаш туфайли ҳидли суюқликлар ёки истехоза келиб турадиганлар узр соҳиблари дейилади. Булар икки қисмга бўлинадилар:

1. Уларнинг узри бир намознинг кириш-чиқиш вақтини тўлиқ эгалламайди;

Яъни бир намоз вақти киргандан то чиқиб кетгунича узрдан холи ҳолатда, таҳорат олиб, намознинг фарзини ўқишга имкон топа оладилар. Бу тоифадагилар шаръий соҳиби узр саналмайдилар.

Буларнинг ҳукмлари: ҳар намоз(фарз, қазо, нафллар)-ни таҳорат билан ўқийдилар, намоз ўқиётган пайтда узри келса, намози фосид бўлади, қайта таҳорат қилиб, давом эттираверади.

Агар суннат ва мустаҳабларни риоя қилиш натижасида таҳорати кетиб қолаверса, уларни енгиллаштириб, фарзини таҳорат билан ўқиши зарурдир.

2. Уларнинг узри бир намознинг кириш-чиқиш вақтини тўлиқ эгаллайди;

Узр бир намознинг кириш-чиқиш вақтини тўлиқ эгаллашидан мурод бундай узр эгалари бир намоз вақти киргандан то чиқиб кетгунича узридан холи ҳолатда, таҳорат олиб, намознинг фарзини ўқишга имкон топа

олмайдилар. Бундай кишилар шаръий соҳиби узр саналадилар.

Унинг узри фарз намозининг тўлиқ вақтини эгаллайди, яъни фарз намозининг тўлиқ вақтида бетаҳоратликдан халос бўлиб, таҳорат қилишга ва фарзни ўқишга вақт топа олмайди. У шаръий соҳиби узр саналади.

Бу аввалда соҳиби узр ҳукмида бўлишга қўйилган шартдир. Соҳиби узр ҳукмида қолиш учун эса бир намоз вақтининг бирор жузида бир марта бўлса ҳам узрнинг топилишидир». (Роддул Муҳтор).

Соҳиби узр бўлган ёки бўлмаганликни билиб олиш йўли:

Улар тажриба учун энг қисқа намознинг вақти, масалан, шомни танлайдилар ва қуёш ботиши билан то қизил шафақ йўқ бўлгунча бир марта таҳорат олиб, фақат шомнинг фарзини адо қила оладиган вақт топишга ҳаракат қиладилар. Масалан, таҳорат олиб, уч ракъат фарзни ўқишга ўн дақиқа вақт кетади (ундан кам ёки кўп бўлиши ҳам мумкин). Агар улар шом вақти кириб, то шом вақти чиққунча ўн дақиқа пок ҳолда туролмай, таҳорати кетиб қолаверса, соҳиби узр саналадилар ва қолган намозларда ўн дақиқа покликни кутиб ўтиришлари шарт эмас. Балки бир намоз вақти кириб, то чиқиб кетгунча бир марта бўлса ҳам узри топилса бўлди. Шаръий соҳиби узрга айлангач, модомики ҳар намоз вақтида бир марта бўлса ҳам таҳорати кетиб турар экан, бундай киши соҳиби узр ҳукмида қолади.

Агар тўлиқ бир намоз вақтида бирор марта ҳам узр содир бўлмаса, яъни ел чиқмаса, бавл томчиламаса, суюқлик келмаса, соҳиби узрлик ҳукми бекор бўлади. Масалан, шом вақти кирганидан то чиқиб кетгунча узр содир бўлмасдан, намоз ўқишга имкон пайдо бўлган бўлса, соҳиби узрликдан чиқади.

Доимий равишда ел чиқиб туриши, пешоб оқиб туриши, яраси қонаб туриши каби ҳолатлар ҳам мазкур ҳолатларга қиёс қилинади. Мазкур ҳолатга мубтало бўлган кишилар ҳар намознинг вақтига бир таҳорат қилиб олиб, ўша намознинг вақти чиққунча таҳоратли одамга жоиз бўлган ишларни қилаверади.

هُلِّلَ الْيَدَيْنِ بِنِوَالِ الْيَدَيْنِ بِحَيْثُ يَبْأُتُنْبُ عَمَطَافٍ تَعَاجٍ؛ تَلَّاقَ عَشَائِعُ نَعْرُطَافٍ ضَاحِ تَسْأُةَ أَرْمَإِيْنِ، هَلَّلَ الْوَسْرَ أَيْ؛ تَلَّاقَ مَلَسَ وَهَيْلَعِ تَلَبَّقَا إِذِافٍ، عَصِيْحُ لَابَسَ سَيَلَوُ قُرْعَ لِكَذَامِنِ، أَلْ؛ لَاقَافٍ؟ أَلْ صِلَاغُ دَافَايَفَ وَ. «يَلَصَّ وَ مَدَلَا كُنَّ عَيْلَسْغَافُ تَرَبَدَا إِذِو، أَلْ صِلَاغُ عَصِيْحُ لَابَسَ عَيْلَسْغَافُ تَلَبَّقَا إِذِ»؛ مَلَسَ وَ هَيْلَعُ هَلَّلَا يَلَصَّ يَلَلَا لَاقَ؛ عَيْلَسْغَافُ

هُسْمُ الْهَوْرِ . «يَلْصِقُ وَدَلَّ كُنَّ عَيْلُ سَغَافُ تَرْبَدَا إِذْ وَهَالِ صِلَا

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Фотима бинти Абу Ҳубайш Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен истехоза бўламан, пок бўлмайман. Намозни қўяманми?» деб сўради. Ул зот:

«Йўқ! Албатта, у томир узилганидандир, ҳайз эмас. Қачон ҳайз келса, намозни қўй. Қачон у кетса, ўзингдаги қонни ювиб ташлаб, намозни ўқийвер», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон, ҳайз келса, намозни қўй. Қачон, у (кунлар) ўтиб кетса, ўзингдан қонни ювиб, намозни ўқийвер», дедилар», дейилган.

Бешовлари ривоят қилишган.

Бундай таҳоратни қуёш чиқишига ўхшаш вақтнинг чиқиши синдиради.

Мисол учун, узрли шахс бомдод учун таҳорат қилди. Унинг таҳорати қуёш чиқиши билан синади. Қуёш чиққандан кейин қилган таҳорати билан пешинни ўқиса бўлади.

Заволга ўхшаш вақтнинг кириши эмас.

Заволдан олдин таҳорат қилган узрли шахснинг таҳорати завол бўлиб, пешиннинг вақти кириши билан эмас, пешиннинг вақти чиқиши билан синади. Лекин пешин вақтининг охирида аср учун таҳорат қилса, аср вақти кириши билан таҳорат синади. Бу аср вақти киргани учун эмас, балки пешин вақти чиққани учундир. Шом, хуфтон ва бомдод ҳам шундай.

(Тамом)

«Кифоя» китобининг биринчи жузидан